

II МАВЗУ

Сайловчилар рўйхатлари билан ишлаш

- 1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар рўйхатларини шакллантириш тартиби
- 2.** Сайловчилар рўйхатини СЖБАТдан юклаб олиш ва унга аниқлик киритиш
- 3.** Сайловчиларнинг рўйхати билан фуқароларни таништириш
- 4.** СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровномани тўлдириш ва сайловчилар рўйхатига киритиладиган ўзгаришларни кузатиб бориш
- 5.** Сайловчиларнинг рўйхати иловасига сайловчиларни киритиш тартиби



1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар рўйхатларини шакллантириш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги 630-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини (СЯЭР) Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган (шу жумладан сайлов куни), доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилига эга бўлган, суд ҳукми билан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган фуқаролар киритиладиган давлат ахборот ресурси ҳисобланади.

Сайловчиларининг Ягона электрон рўйхати Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ) воситасида шакллантирилади ва унинг таркибига киради.



ЁДДА ТУТИНГ!

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади.



2. Сайловчилар рўйхатини СЖБАТдан юклаб олиш ва унга аниқлик киритиш

Участка сайлов комиссиялари иш бошлагунга қадар сайловчиларнинг рўйхатлари тегишли давлат органларининг тақдим этган маълумотлари асосида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги томонидан СЖБАТда электрон тарзда шакллантирилади.

Участка сайлов комиссияси котиби **СЖБАТга кириш ҳуқуқини олиш** учун округ сайлов комиссиясига мурожаат қилади. Округ сайлов комиссияси котиби СЖБАТга кириш ҳуқуқини участка сайлов комиссияси котибига тақдим қилади.

Участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг **3 кун ичида** комиссиянинг котиби СЖБАТга кириб тақсимланган мазкур сайлов участкасида **сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини юклаб олади**.


Комиссия котиби сайловчиларнинг рўйхатини текшириб чиқади, чоп этади ва участка сайлов комиссияси раисига тақдим қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини олганидан сўнг **мазкур сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчиларни аниқлаштириш чораларини кўради**.

Ҳокимликлар, тегишли идоралар, шу жумладан маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари участка сайлов комиссияси сўровига асосан мазкур сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролар ҳақида маълумотларни 24 соат ичида тақдим этишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларга, **зарурат бўлганда, уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.**

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига **жамоатчилик вакиллари ва волонтерларни жалб қилиши мумкин.** Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.



Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа **сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.**

Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади.



Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек қамокда сақлаш жойларида ташкил этилган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига **киритилган сайловчилар ҳақида ушбу участка сайлов комиссияси бундай фуқароларнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига ахборот етказиш чораларини кўриши лозим.**

Хабардор қилинган участка сайлов комиссияси ўз сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилганлиги ҳақида ёзув киритади ҳамда уни якуний баённомада сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сонига киритмайди.



ЁДДА ТУТИНГ!

Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга 5 кун қолганида тўхтатилади.

Участка сайлов комиссияси котиби сайловга **3 кун қолганида ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охириги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка сайлов комиссияси раисига тақдим қилади.**

Ушбу рўйхат участка сайлов комиссияси **раиси ва котиби томонидан имзоланади**, участка сайлов комиссияси **муҳри билан тасдиқланади**, шундан сўнг комиссия раиси томонидан комиссия аъзоларига сайловчиларнинг фамилиялари алифбо тартибида тақсимлаб берилади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Комиссия аъзолари овоз бериш куни сайловчиларга сайлов бюллетенларини берганида мазкур рўйхатга имзо қўйдиради.



3. Сайловчиларнинг рўйхати билан фуқароларни таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга **камида 15 кун қолганида** участка сайлов комиссияси котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади, участка сайлов комиссияси **раиси ва котиби томонидан имзоланади**, участка сайлов комиссияси **муҳри билан тасдиқланади ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.**

Ушбу рўйхатда сайловчиларнинг яшаш манзиллари кўрсатилмайди.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг якуний **рўйхати сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.** Ушбу рўйхатда сайловчиларнинг яшаш манзиллари кўрсатилмайди.



4. СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровномани тўлдириш ва сайловчилар рўйхатига киритилаётган ўзгаришларни кузатиб бориш

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро суҳбат чоғида уларнинг овоз бериш куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, ушбу сайловчиларнинг 1-иловага мувофиқ алоҳида рўйхатлари тузилади.

1-ИЛОВА

АЛОҲИДА РЎЙХАТ

(Ушбу рўйхатга сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган, бироқ ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги аниқланган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар киритилади ва ушбу рўйхат асосида электрон сўровнома тўлдирилади)

Сайловчининг шахсий маълумотлари:

Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, ойи ва куни	Паспорт (ёки ID картаси) серияси ва рақами	Яшаш манзили	Телефон рақами

Участка комиссияси
раиси

Имзо

Ф.И.О.

Участка комиссияси
котиби

Имзо

Ф.И.О.

* Ушбу рўйхат асосида комиссия раиси ёки котиби томонидан СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига автоматик тарзда юборилади.

Агарда сайловчи сайловчилар рўйхати билан (осиб қўйилган ёки электрон тақдим этилган рўйхатлар) танишиш жараёнида **ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган** ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган **сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлигини** аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги сайлов участкасига бориб, юқорида қайд этилган намунадаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Сайловчининг ўз хоҳишига кўра берган аризасига мувофиқ қуйидагилар сайловчилар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун асос бўлиши мумкин:

- сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши;
- ёши 18 га тўлганлиги;
- суднинг фуқарони сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.



Ариза комиссия раиси ёки котиби томонидан қайдлов дафтаридида рўйхатга олинади. Шундан сўнг СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига автоматик тарзда юборилади.

Ишчи гуруҳи электрон сўровномани кўриб чиқади ва СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартириш киритади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Аризасига биноан сайлов участкаси ўзгартирилган ёки ариза билан мурожаат қилмаган сайловчини бошқа сайлов участкасига ўтказилишига ёки тортиб олинishiга йўл қўйилмайди.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам, аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш мақсадида сайловга 5 кун қолгунига қадар сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартириш киритиш учун ишчи гуруҳларига электрон сўровнома юбориши мумкин.

Ишчи гуруҳлари бу электрон сўровномани шу куннинг ўзида кўриб чиқиб, белгиланган тартибда ҳал этади.



5. Сайловчиларнинг рўйхати иловасига сайловчиларни киритиш тартиби

Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига **кирмай қолган сайловчилар** шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат асосида участка сайлов комиссияси раисига ёзма ариза билан мурожаат қилади.

Участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг **мурожаатини қайдлов дафтарига қайд этади** ва уни кўриб чиқади. Нима сабабдан мурожаатчининг сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлигини текширади.

Жумладан, сайловчи **қайси сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлигини СЖБАТдан қидириб топади**. Тегишли участка сайлов комиссияси билан алоқа воситалари орқали боғланади. Сўхбат чоғида сайловчининг ўша сайлов участкасида овоз берган-бермаганлигини аниқлайди. Агар овоз бермаган бўлса, тегишли участка сайлов комиссиясини сайловчининг мурожаат этган сайлов участкасида сайловчилар **рўйхатининг иловасига киритилиши ҳақида хабардор қилади**. Шундан сўнг мурожаат қилган фуқаро белгиланган шаклдаги сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилади ва унинг белгиланган тартибда овоз бериш ҳуқуқи таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ИЛОВАСИ

_____ – сайлов округи

20__ й. «__» _____
(сайлов санаси)

_____ САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Яшаш жойи (яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан)	СЯЭРда сайловчилар рўйхатига киритилган сайлов участкасининг рақами, туман ёки шаҳар, вилоят (сайлов участкаси телефон рақами)	Яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхатининг иловасига киритган участка сайлов комиссияси раиси	Сайловчининг сайлов бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси	
				Фамилияси, исми, отасининг исми	имзоси	



ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ!

Кузатувчиларнинг маълумотига кўра участка комиссияси аъзолари қўшимча рўйхатларга киритилган овоз берувчиларнинг кўпчилиги ўз участкаси ҳудудидан ташқарида яшашларини тан олишди, бу эса Марказий сайлов комиссияси қарорини бузиш ҳисобланади. Баъзи ташиф буюрилган участкаларда эълон қилинган овоз берувчилар рўйхатидаги имзолар сонидан сезиларли даражада ошиб кетди ва сайлов қутиларидаги кўриниб турган бюллетенлар сонига визуал равишда мос келмади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Сайловчилар рўйхати иловаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилган ҳолда тўлиқ тўлдирилиши шарт!

Ушбу талабга амал қилмаслик сайловга доир қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка сабаб бўлади.




Хабардор қилинган участка сайлов комиссияси ўз сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритади ҳамда ушбу сайловчини якуний баённомада участкадаги сайловчиларнинг умумий сонига киритмайди.



ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ!

Кузатувчиларнинг маълумотига кўра сайлов участкалари очилганидан кўп ўтмай сайловчилар рўйхати иловасига сайловчилар киритилгани ҳақида хабар бера бошладилар. Масалан, битта сайлов участкасига соат 8:00 дан 9:00 гача 38 нафар сайловчи қўшилган. Яна бир сайлов участкасида кун давомида 600 нафарга яқин сайловчи қўшимча рўйхатга киритилди. Венеция Комиссиясининг Яхши амалиёт кодекси «яшаш жойини ўзгартирган ёки рўйхатларнинг охирги эълон қилинган санасидан кейин қонунда белгиланган минимал ёшга етган шахсларга овоз бериш ҳуқуқини бериш» сайловчиларни овоз бериш кунин сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига қўшимча сифатида қўшишга қарши туришни тавсия қилади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот технологиялари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Бир нафар фуқарони истисно тариқасида нечта сайловчилар рўйхатига қўшиш мумкин?
3. Сайловчилар рўйхатига кимлар киритилади?
4. Кимлар сайловчилар рўйхатига киритилмайди?
5. СЖБАТга киришга ким масъул?
6. Қачон ва кимдан СЖБАТга кириш ҳуқуқи олинади?
7. Сайловчиларнинг дастлабки рўйхати қачон юклаб олинади?
8. Сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчиларни аниқлаштириш чоралари деганда нимани тушунасиз?
9. Участка сайлов комиссияси аъзолари уйма-уй айланиб чиқиш вақтида нималарни аниқлаши лозим?
10. Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатлари қандай тузилади?
11. Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек қамоқда сақлаш жойларида ташкил этилган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар ҳақида ахборотни қайси участка сайлов комиссиясига ва қандай ҳаракатларни амалга ошириш орқали етказилади?
12. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш қачон тўхтатилади?
13. Сайловчиларнинг охириги рўйхатлари СЖБАТдан қачон юклаб олинади ва у билан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?
14. Қайси сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг яшаш манзиллари кўрсатилмайди?
15. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса, қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозим?
16. Сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги ариза қандай тўлдирилади?
17. Сайловчилар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун қандай асослар бўлиши мумкин?
18. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчи участка сайлов комиссиясига келса, участка сайлов комиссиясининг ҳаракатларини айтиб беринг.
19. Сайловда сайловчилар рўйхатининг иловасини тўлдириш қандай аҳамиятга эга?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхати — қайси ахборот тизими асосида шакллантирилади ва унинг таркибига киради?

- A) Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими
- B) Ягона интерактив давлат хизматлари портали
- C) «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими
- D) Ижтимоий маҳалла ахборот тизими

2. Ҳар бир сайловчи нечта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин?

- A) фақат иккита
- B) фақат битта
- C) фақат учта
- D) тўғри жавоб йўқ

3. Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчи тўғрисидаги қандай маълумотлар киритилади?

- A) фамилияси, исми, отасининг исми, расми (фото), туғилган санаси ва яшаш жойи манзили
- B) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили
- C) фамилияси, исми, отасининг исми, касби, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили
- D) фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили

4. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати қандай тузилади?

- A) ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида
- B) ҳарбий қисмлар жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари тақдим этадиган маълумотлар асосида
- C) ҳарбий округларнинг қўмондонлари тақдим этадиган маълумотлар асосида
- D) ҳокимликлар тақдим этадиган маълумотлар асосида

5. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар сайловчилар рўйхатига қандай киритилади?

- A) яшаш жойлари бўйича
- B) доимий рўйхатга қўйилган манзиллари бўйича
- C) ҳарбий қисм командирларининг таклифи бўйича
- D) округ раисларининг таклифи бўйича

6. СЖБАТга кириш ҳуқуқини участка сайлов комиссияси котибига ким тақдим қилади?

- A) «Ўзбектелеком» ҳудудий бошлиқлари
- B) округ сайлов комиссияси котиби

- C) Марказий сайлов комиссияси аъзолари
- D) маҳаллий ҳокимликлар

7. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида участка сайлов комиссияси қайси аъзоси томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади?

- A) участка сайлов комиссияси раиси
- B) участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари
- C) участка сайлов комиссияси котиби
- D) тўғри жавоб йўқ

8. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилганидан кейин ҳам уларга сайловга неча кун қолгунига қадар ўзгартишлар киритиши мумкин?

- A) 3 кун
- B) 5 кун
- C) 7 кун
- D) 9 кун

9. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилиги бўйича қандай аниқлик киритади?

- A) профилактика инспекторига сўров юбориш орқали
- B) уйма-уй айланиб чиқиш орқали
- C) маҳалла фуқаролар йиғинига сўров юбориш орқали
- D) тўғри жавоб йўқ

10. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига кимларни жалб қилиши мумкин?

- A) сектор раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари
- B) ички ишлар органлари ва сектор раҳбарлари
- C) жамоатчилик вакиллари ва волонтерларни
- D) тўғри жавоб йўқ

11. Сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар участка сайлов комиссияси томонидан неча соат ичида кўриб чиқилиши ва уларни текшириши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт?

- A) 48 соат
- B) 24 соат
- C) 72 соат
- D) 96 соат

12. Сайловчиларни қандай асосларга кўра участка комиссияси сайловчилар рўйхатига киритиши мумкин?

- A) сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши

- В) ёши ўн саккизга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат
- С) суднинг фуқарони сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат
- Д) барча жавоблар тўғри

13. Участка сайлов комиссияси котиби сайловдан неча кун олдин ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охириги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади, чоп этади ва участка комиссия раисига тақдим этади?

- А) 3 кун
- В) 5 кун
- С) 7 кун
- Д) 9 кун

14. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар қандай асосларда сайловчилар рўйхати иловасига киритилади?

- А) шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат
- В) шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат
- С) шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат
- Д) барча жавоблар тўғри

15. Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкалар бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ким томонидан тузилади?

- А) округ сайлов комиссияси
- В) участка сайлов комиссияси
- С) Марказий сайлов комиссияси
- Д) маҳаллий ҳокимликлар

16. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида участка сайлов комиссияси котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этиш мобайнида ким томонидан сайловчилар рўйхати имзоланади?

- А) участка сайлов комиссияси раиси ва ўринбосари
- В) участка сайлов комиссияси раиси ва котиби
- С) участка сайлов комиссияси раиси ва 2 нафар аъзо
- Д) маҳаллий ҳокимликлар

17. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларга нима мақсадда уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади?

- А) маълумотлар тўғрилиги

- B) муддатдан олдин овоз бериш кунлари ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслиги
- C) доимий ва вақтинчалик рўйхатда турганлиги
- D) сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўғрилиги ва сайловчи овоз бериш кuni ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаш

18. Сайловчининг ўз хоҳишига кўра берган аризасига мувофиқ сайловчилар рўйхатига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш учун асос бўлиши мумкин бўлган қандай асослар мавжуд?

- A) сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши
- B) ёши 18 га тўлганлиги
- C) сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги суд ҳукми бекор қилинганлиги
- D) барча жавоблар тўғри

19. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кuni неча ёшга тўлган фуқароларнинг фамилиялари сайловчиларнинг рўйхатига киритилади?

- A) 19 ёшга тўлган фуқаролар
- B) 16 ёшга тўлган фуқаролар
- C) 17 ёшга тўлган фуқаролар
- D) 18 ёшга тўлган фуқаролар

20. Участка сайлов комиссиясининг котиби СЖБАТга кириб, тақсимланган мазкур участка сайловчиларининг дастлабки рўйхатини қачон юклаб олади?

- A) ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг беш кун ичида
- B) ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг етти кун ичида
- C) ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг уч кун ичида
- D) ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан сўнг бир кун ичида

КЕЙСЛАР

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
1.	Фуқаро А. Тошкент вилоятида жойлашган 886-сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилади. Овоз бериш кунига 7 кун қолганда 886-сайлов участкасида эълон қилинган сайловчилар рўйхатида маълумотларнинг нотўғри киритилганлиги ҳақида хабар топди. Ушбу ҳолатда қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозим?	1. Сайловчилар сайловчиларнинг рўйхати билан қандай таништирилади? 2. Таништириш муддатлари қанча? 3. Сайловчилар рўйхатида хатolik ва ноаниқликлар аниқланган тақдирда қандай ҳаракатлар амалга оширилади?	1. Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланади. 2. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, саторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади. 3. Участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништирилади, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартiriшлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади. Агарда сайловчи сайловчилар рўйхати билан танишиш жараёнида ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлигини аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги сайлов участкасига бориб ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси ушбу сайловчини юқорида қайд этилган алоҳида рўйхатга киритади. Шундан сўнг, алоҳида рўйхати шакллантирилган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар асосида СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчилар рўйхатига ўзгартiriш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига (бундан бўён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) автоматик тарзда юборилади. Ишчи гуруҳ электрон сўровномани кўриб чиқади ва СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартiriш киритади.	Сайлов кодексининг 24, 27, 29-моддалари Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 13, 31, 33 ва 39-бандлари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
2.	Фуқаро Б. 16 ёшда. 265-сонли участка сайлов комиссияси ҳудудида яшайди ва доимий рўйхатдан ўтган. У сайловда иштирок этмоқчи. Бирок, участка сайлов комиссиясининг сайловчилар рўйхатида ўзи ҳақидаги маълумотларни топа олмач, участка сайлов комиссияси раисига мурожаат қилди ва уни рўйхатга киритишни сўради.	1. Кимлар сайловчилар рўйхатига киритилади? 2. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?	Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Участка сайлов комиссияси аъзолари мулоимлик билан унга овоз бериш кунига қадар ёки овоз бериш куни 18 ёшга тўлган фуқаролар овоз бериши мумкинлигини тушунтириб ҳамда уни келгуси овоз бериш жараёнларида шунақа фаол бўлиб қолишга чорлаб кузатиб қўйиши лозим.	Сайлов кодексининг 4 ва 27-моддалари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этилаётган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
3.	422-сайлов участкаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро К.И. сайловчилар рўйхати билан танишганидан сўнг, овоз бериш кунига 8 кун қолганида доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтмаган (17 ва 18 ёшга тўлган) 2 нафар келинини сайловчилар рўйхатига қўшиб қўйишини сўраб мурожаат қилди. У овоз бериш кунини барча оила аъзоларига уларнинг паспортини овоз бериш кунини олиб келган ҳолда барча учун ўзи овоз беришини маълум қилди.	1. Кимлар сайловчилар рўйхатига киритилади? 2. Сайловчилар қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак? 3. Сайловчининг ўрнига кимдир сайловчилар рўйхатига киритишини сўраб мурожаат қилиши мумкинми? 4. Участка сайлов комиссияси ҳаракатлари қандай бўлиши керак?	1. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. 2. Хар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига ариза қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асосланган ҳужжат билан жавоб бериши шарт. Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. 3. Сайловчилар рўйхатига қўйишни сўраб фуқароларнинг фақат ўзи мурожаат қилиши лозим. 4. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро суҳбат чоғида уларнинг овоз бериш кунини ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, ушбу сайловчиларнинг алоҳида рўйхатлари тузилади. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгаришлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади. Қуйидаги ҳолларда сайловчинини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш рад этилади: сайловчи СЖБАТдаги сайлов участкаси бўйича овоз берган бўлса; сайловчи доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка сайлов комиссиясига мурожаат қилган бўлса. Бунда, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа сайлов участкасида овоз бериши кераклигини тушунтиради.	Сайлов кодексининг 4, 27, 30-моддалари Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 33 ва 40-бандлари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
4.	Фуқаро Д. хизмат сари фари билан бир йилга бошқа вилоятга жўнатилди. У ўша ерда вақтинчалик рўйхатдан ўтди. Уйма-уй айланиб чиқиб аниқлаштириш пайтида участка сайлов комиссияси аъзосига у бу ерда вақтинча яшаётганини билдирди.	1. Сайловчи ва участка сайлов комиссияси аъзосининг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?	Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олгандан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилигини ўйма-уй айланиб чиқиб орқали аниқлик киритади. Уйма-уй айланиб чиқиб вақтида фуқароларнинг сайлов куни ушбу участка ҳудудида бўлиш-бўлмаслигига аниқлик киритилади. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар борлиги аниқланса, бироқ улар ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса ҳамда ўзаро суҳбат чоғида уларнинг овоз бериш куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, ушбу сайловчиларнинг алоҳида рўйхатлари тузилади. Агарда сайловчи сайловчилар рўйхати билан танишиш жараёнида ўзи ҳақидаги маълумотлар хато киритилган ёки ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлигини аниқлаган тақдирда, бевосита ўзи истиқомат қилиб турган ҳудуддаги сайлов участкасига бориб ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси ушбу сайловчини юқорида қайд этилган алоҳида рўйхатга киритади. Шундан сўнг, алоҳида рўйхати шакллантирилган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар асосида СЖБАТда белгиланган шаклдаги электрон сўровнома тўлдирилади ва сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш учун тегишинча республика, вилоят ёки туман ишчи гуруҳига (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) автоматик тарзда юборилади. Ишчи гуруҳ электрон сўровномани кўриб чиқади ва СЖБАТдаги сайловчилар рўйхатига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартириш киритади. Электрон сўровномага биноан сайлов участкаси ўзгартирилган ёки ўзи мурожаат қилмаган сайловчини бошқа сайлов участкасига ўтказилишига ёки тортиб олинишига йўл қўйилмайди. Электрон сўровнома рад этилган ҳолларда участка сайлов комиссияси сайловчига унинг мурожаати рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.	Сайлов кодексининг 28-моддаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 33-банди

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этилаётган масала (савол) лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
5.	Фуқаро Камилова Санобар айнан шу кунни, яъни 9 июлда 18 ёшга тўлади. Бирок, фуқаро Камилова Санобар 255-сайлов участкасига ташриф буюриб, сайловда қатнашиш ниятини билдирган, участка сайлов комиссияси томонидан шакллантирилган сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига фуқаро киритилмаганлиги сабабли сайловда иштирок эта олмаслиги айтилган. Фуқаро Камилова Санобар ушбу ҳолатдан норози бўлиб, туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган.	1. Сайловда сайловчилар рўйхатини шакллантириш тартиби қандай? 2. Сайлов ўтказиш муносабати билан тузилган рўйхатдаги ноаниқлик бўйича қайси органга мурожаат қилиш лозим?	1. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ сайлов кунни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, тузилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади. Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари такдим этилган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади. 2. Участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади. Ҳар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига ариза қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида мурожаатни текшириши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт. Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.	Сайлов кодексининг 4, 24, 27 ва 30-моддалари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
6.	Санаторий ва дам олиш уйларида сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари тузилиб, аҳоли танишиб чиқиши учун сайлов кунидан етти кун олдин участка сайлов комиссияси биносида илб қўйилади. Фуқаро Т. Вохидов соғлиги ёмонлиги сабабли санаторийда ётиб даволанаётган бўлиб, сайлов ўтказилганлигини уни кўришга келган фарзандларидан эшитган. Санаторийда даволанаётган бошқа фуқаролардан бу ҳақда сўраганида улар ҳам бундан беҳабар эканлигини билдирган. Фуқаро Т. Вохидов ушбу ҳолатни ўзининг конституциявий ҳуқуқларининг бузилиши деб баҳолаб, судга мурожаат қилган.	1. Сайлов участкасини тузиш тартибини тушунтиринг. 2. Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини бузганлик учун қонунчиликда жавобгарлик масаласи қандай?	1. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдирномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Зарур бўлган ҳолларда, участка сайлов комиссиясининг сон таркиби ўзгартирилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодлиқдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкалар бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш	Сайлов кодексининг 10, 25, 27 ва 29-моддалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 517-моддаси Жиноят кодексининг 147-моддаси

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
			муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, камоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади. 2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 517-моддасида, биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима белгиланган. Жиноят кодексининг 147-моддасида, фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайлашни, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки овдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилганлик учун тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган.	